Ё Расулуллоҳ, биз Сизга бир марта байъат қилган эдик, ҳозир нимага байъат қилайлик?», деб сўрадик. Шунда айтдилар: «Сизлар менга Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликка, беш вақт намозни қоим қилишга ҳамда сўзларимга қулоқ тутиб, итоат этишга байът - қасамёд қилинглар!» Сўнгра овозларини пастлатиб кўшиб қўйдилар: «Одамлардан бирор нарса сўраманглар!

Абу Муслим Хавлоний айтадилар: Менга суюкли ва ишончли бўлган Авф ибн Молик Ашжаъий разияллоҳу анҳу айтиб бердилар: Биз Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида етти ёки саккиз ёки тўққиз киши ўтирган эдик, У зот: «Аллоҳнинг Элчисига байъат - қасамёд қилмайсизларми?», – дедилар. Биз яқинда байъат қилган эдик, шу боисдан: «Ё Расулуллоҳ, биз Сизга байъат қилдик-ку», дедик. Лекин У зот айтган сўзларини яна икки бор такрорлаганларидан кейин қўлларимизни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларига қўйиб У зотга яна қайтадан байъат қилдик ва: «Ё Расулуллоҳ, биз Сизга бир марта байъат қилган эдик, ҳозир нимага байъат қилайлик?», деб сўрадик. Шунда айтдилар: «Сизлар менга Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликка, беш вақт намозни қоим қилишга ҳамда сўзларимга қулоқ тутиб, итоат этишга байът - қасамёд қилинглар!» Сўнгра овозларини пастлатиб кўшиб қўйдилар: «Одамлардан бирор нарса сўраманглар!» Ровий айтади: «Шундан кейин ўша байъат қилган кишилардан айримлари агар туя устида турган вақтида қамчиси тушиб кетадиган бўлса ҳам уни олиб беришни бировдан сўрамас эди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча саҳобалар билан ўтирганларида улардан уч бора қуйидаги ишларни бажаришга байъат, аҳду паймон олишни сўрадилар: Биринчи: Буйруқларини бажариб, қайтарганларидан қайтиб, ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилиш ва У Зотга ширк келтирмаслик. Иккинчи: Бир кеча ва кундузда ўқилиши фарз қилинган беш маҳал фарз намозни қоим қилиш. Учинчи: Мусулмонлар бошлиқларига яхшиликда қулоқ солиб итоат қилиш. Тўртинчи: Барча ҳожатларини инсонлардан эмас, аксинча, Аллоҳ таолодан сўраш. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам паст овозда айтдилар. Саҳобалар байъатларига вафодор қолиб унга амал қилдилар, ҳаттоки, ҳадисни ривоят қилган киши айтганидек: «Ўша саҳобалардан

бирининг қамчиси тушиб кетса, уни олиб беришларини сўрамас, балки ўзи тушиб олар эди».

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4176